



“ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – ИНСОН, СИЁСАТ АРБОБИ ВА МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ”

**мавзусигаги Республика миқёсидаги
илмий-назарий конференция
(Халқаро миёёсидаги олимлар шугъулланишида)**

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Бухора – 2018

Аммо, уруш қурбонсиз бўлмас, деганларидек, хотин-қизларнинг паранжи ташлашига нисбатан қанчадан қанча рухонийлар, диний уламолар, ўзбек эрлари, ҳатто зиёли қатлам вакиллари ҳам қаршилик қилиб, бу ҳаракатни тўхтатишга уриндилар.

“Шундай бўлса ҳам, курашнинг мана шу жуда қийин участкасида бизнинг фойдамизга анчагина силжишлар бор. Шаҳар пролетариати, илғор зиёлилар, камбағал ва ўртаҳол деҳқонларнинг анчагина қисми хотин-қизларни озод қилиш масаласида совет ҳокимияти томонида. Уларнинг ёрдами, ҳукумат, партия ва совет органлари олиб бораётган ғоят қатта ва зўр ишлар билан бирга анчагина натижалар берди. 1920-йилдагина инкилобий тўнтариш бўлган мана шу Бухоронинг ўзида ҳозирги кунда паранжи ёпинган хотин-қизлар йўқ, уларнинг ҳаммаси очик.

Бошқа районларда – Самарқанд, Тошкент, Фарғона ишчи ва деҳқон хотин-қизларнинг илғор табақалари паранжи ташладилар, лекин хотин-қизларнинг кўпчилиги ҳали ҳам паранжида, хотин-қизларнинг очилишига тўсқинлик қилаётган реакцияон кучлар билан меҳнаткашлар ўртасида шиддатли кураш бормоқда.

Хотин-қизларни тамомла озод қилиш, асрий зулм рамзи бўлган паранжи-чачвонни барча хотин-қизларнинг йўқ қилишига қаратилган йўлни ҳозир меҳнаткашлар оммаси кескин қувватлаб, ҳукуматдан паранжини ташлатиш тўрисида декрет чиқариш талаб қилмоқдалар.

Бу масалани ҳукумат ҳали узил-кесил ҳал қилгани йўқ, лекин Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети бунга яқин фурсатда муҳокама қилиб, яқин кунларда тегишли чоралар қўради деб ўйлайман. Паранжи ташлаган хотин-қизлар совет қурилишида деб ҳўжаликларни реконструкция қилишда фаол қатнашмоқдалар, хотин-қизлардан 5000 киши совет ҳокимиятининг турли бўғинларида ишлаб турибди; 13000 га яқин хотин-қиз кооперативга бирлашди; 5642 хотин-қиз республика судларида халқ маслаҳатчилари бўлиб ишламода. Хотин-қизлар саноатга кенг тортилаётганлиги қувончлидир, пиллакашлик фабрикаларидаги ишчиларнинг ярмидан кўпроги ҳозир хотин-

қизлардан иборат бўлиб, буларнинг кўпчилиги ўзбек хотин-қизларидир”¹.

Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриясида энг оғир муаммолардан бири ислом дини томир отган воҳада хотин-қизларни тутқинликдан озод қилиш, фаол хотин-қизларни янги турмушга жалб этиш бўлди. 1921-1926-йилларда Бухоронинг ҳамма вилоятларида хотин-қизлар шўба бўлиmlари ташкил қилиниб, улар мингдан зиёд бир маданий марказга бирлашди. Танikli арбоб Файзулла Хўжаевнинг фаоллиги ва ташаббуси билан Бухорода ўнга яқин клуб, ўн иккита махсус артел, ўттизтадан ортиқ саводсизликни тугатиш мактаблари, ўнга яқин кооператив дўконлар ташкил этилиб, улар хотин-қизларни жамият ишига фаол қатнашинишларида муҳим роль ўйнади.

Бундан ташқари, Файзулла Хўжаевнинг саъй-ҳаракати туфайли 1927-йил ёзида аёллар учун 120 та саводсизликни тугатиш мактаблари, 5000 сонли хотин-қизни камраб олган 200 та онавий тўғараклар, илк ўқитувчи педагог тайёрловчи институт ва педагогика билим юрглари ва мактаблари фаолият кўрсатди. Аёллар фаоллиги ошиб бораверди. Фақат 1927 йил якунида кишлоқ советлари депутатларининг 16,3 фоизини аёллар ташкил этди. “Хотин-қизлар орасида саводсизликни тугатиш соҳасида қатта ишлар қилинди. Масалан, 1933 йили аҳолининг 60% фозидан кўпроги саводсизлар рўйхатидан ўчирилди”².

Хуллас, Ф. Хўжаев хотин-қизлар масаласига жиддий муносабатда бўлиб, жамият ривожига аёллар фаоллигининг роли бекиёслигини ҳисобга олган.

XX SARNING YIRIK SIYOSIY ARBOBI FAYZULLA XO'JAYEV

*Abdullaev Yo. Z. mayor
BuxDU Harbiy ta'lim fakulteti*

XX asming yirik siyosiy arboblardan biri, o'zbek milliy davlatchiligi uchun qat'iy kurash olib borgan Fayzulla Xo'jaev (1896-1938 yy.) o'ta murakkab va chigal hayot so'qmoqlaridan o'tishga

¹ Ф. Хўжаев. Танланган асарлар, т.3, б.313.

² О.Эшонов. Ф.Хўжаев. Ўзбекистон, наш.1973

majbur bo'lgan tarixiy shaxs edi. F.Xo'jaev va uning maslakdoshlari haqida biri ikkinchisini rad etuvchi qarama-qarshi fikr-mulohazalar bildirilishi ham shundan bo'lsa kerak.

XX asr 20-30-yillar tarixi Vatanimizda ham, xorijda yaratilgan Turkiston o'tmishi bilan bog'liq tadqiqotlarda ham keskin munozaralarga sabab bo'lib kelmoqda. F.Xo'jaev a'zo bo'lgan jadidlar tashkiloti garchi 1916-yildan boshlab siyosiy kurashlar maydoniga kirgan bo'lsada, ushbu shaxsning bevosita hukumat rahbari, davlat arbobi sifatidagi amaliy faoliyati 1920-yil kuzidan, Buxoroda Amir Olimxon taxti ag'darilib, Buxoro Xalq Sovet Respublikasi (BXSR) hokimiyati o'rnatilishi bilan boshlanadi.

Davlat va siyosat arbobi, Jadidchilar harakatining rahnamolaridan biri. Savdogar oilasida tug'ilgan. Buxoro madrasasida 2-yil tahsil olgach, 1907-12-yillarda Moskvada xususiy maktabda o'qigan. Buxoroga qayt-gach, 1912-yildan Yosh buxoroliklar partiyasining, 1913-yildan partiya MKning a'zosi bo'ldi. Otasidan meros qolgan katta boylikni yangi usul maktablari ochishga, Yosh buxoroliklar siyosiy faoliyatini moddiy qo'llab-quvvatlashga sarfladi. 1917-yildan boshlab Xo'jaev va Fitrat partiyaning so'li qanotiga boshchilik qilib, Buxoroda avval konstitutsion monarxiya, so'ngra demokratik respublika tuzish uchun kurashdilar. Yosh buxoroliklar amir tomonidan ta'qib qilingach, Xo'jaev va uning safdoshlari Buxoroni tark etishga majbur bo'lishdi. Xo'jaev 1920-yil yanvarda Toshkentda tuzilgan inqilobchi Yosh buxoroliklar partiyasi Turkiston Markaziy byurosi raisi, «Uchqun» gazetasi muharriri (1920-yil aprel-sentabr)dir.

1920-yil 14-sentabrda BXSR hukumati - Xalq Nozirlar Sho'rosi tuzilib, Xo'jaev hukumat boshlig'i qilib saylandi. F. Xo'jaev BXSR tashqi ishlar noziri (1920-22), harbiy ishlar noziri (1921-24), ichki ishlar noziri (1922), BXSR Mehnat va mudofaa kengashi raisi (1922-24). Shuningdek, Sharqiy Buxoro Inqilobiy harbiy kengashi raisi (1923-24), SSSR Harbiy-Dengiz ishlari xalq komissarligining O'zbekiston SSR bo'yicha rasmiy vakili (1925-yildan)dir.

F.Xo'jaev «Yosh buxoroliklar» g'oyalari ruhidagi dasturiy hujjat - maromnomani tuzdi va nashr etdi, Xo'jaev rahbarligidagi «Inqilobchi yoshbuxoroliklarning Turkistondagi markaziy byurosi» tashkiloti nufuzli siyosiy kuchlarni o'zida ifoda etmadi. U O'rta Osiyoni butunlay zabt etish va uni boshleviklar to'liq rahbar bo'lgan

yangi davlat tarkibiga qo'shib olish uchun bolsheviklarning kurash vositasiga aylandi. Fayzulla Xo'jaev rahbarlik qilgan yoshbuxoroliklarning birgalikdagi sa'y-harakatlari bilan Buxoroda to'ntarish tayyovladilar va amir armiyasini parokandalash bo'yicha faol ishlar olib borishdi hamda mahalliy aholi orasida tashviqot ishlari yurgizishdi. «Tong» jurnali va «Qutulish» gazetasini nashr etar boshladilar.

Respublika nozirlar kengashining raisi Fayzulla Xo'jaev Buxorodagi jadidchilik harakatida faol ishtirok etgan. U Yosh buxoroliklar partiyasi rahbarlaridan bo'lgan. Yevropa sivilizatsiyasini o'zlashtirgan edi. Hukumat raisligidan tashqari harbiy nozir, tashqi ishlar noziri bo'lgan. Yosh buxoroliklarning progressiv-demokratik g'oyalarga amal qilgan. Buxoro rahbariyati 1921-yil mart oyida qator chet mamlakatlar hukumatlariga yo'llagan murojaatnomasida «Buxoro xalqi... Yosh Buxoroliklar ta'sirida uyg'ondi», deb ta'kidladi. BKPni F. Xo'jaev «Sun'iy tuzilgan partiya», deb atadi. F. Xo'jaevning qat'iyati bilan Buxoro Chekasi tugatildi, tribunallar, siyosiy bo'limlar tomonidan fuqarolarni jazoga tortish vaqtinchalik to'xtatildi. Islom dini, masjid-madrasalar xizmati, ruhaniylarning faoliyat erkinligi tiklandi, yangi qoziliklar ish boshladi. 1924-yil yozida F.Xo'jaev aholining qashshoqlashganini e'tirof etib, bundan qutulish tadbirlarini izchil amalga oshirish zarurligini uqtirdi. F. Xo'jaev Rossiya tashqi savdo birlashmasini BXSRdan «hamma narsani olishga, ammo hech narsa bermaslikka qodir...» deb aybladi. Natijada 1922-yil bahorida BXSRga bir qator qurilish materiallari, kerosin, neft, temir mollar, qog'oz, daftar, gugurt, kalishlar olib kelindi.

1924-yil may oyida F.Xo'jaev aholining turmush darajasi pasayganini e'tirof etdi. F.Xo'jaev boshliq Buxoro Xalq Respublikasi hukumati qo'rboshilar bilan yashirin aloqa o'rnatib, muzokara asosida tinchlik yo'li bilan murosar qilishga intildi. U bu guruhning rasmiy a'zosi bo'lmasa ham, aslida ularning g'oyaviy ilhomchisi edi. «Quloq»larni sinf sifatida tugatish siyosatini yoqlamagan. O'zbekistonda yoppasiga chigit ekilishi paxta yakkahokimligiga olib keladi, deb hisoblagan. O'zbekistonda munonaviy sanoat inshootlari qurilishida tashabbuskor bo'lgan.

Xulosa qilib aytganda, Fayzulla Xo'jaev xorijda yashashga mahkum etilgan, yuragida Vatan mehri va hasratini umr bo'yi

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ

1-ШЎБА. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ИНСОН ВА СИЁСАТЧИ	3
Хайитов Ш.А. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – МИЛЛАТ ФИДОЙИСИ, ЮРТПАРВАР ИНСОН, ДОНИШМАНД СИЁСАТЧИ	5
Тилекулов Г.С. Ахмедова Ш.Н. ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ФАЙЗУЛЛЫ ХОДЖАЕВА	5
Раулов С.С. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ЖАДИДЧИЛИК ХАРАКАТИНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ	13
Хайдаров Ю., МУСТАБИД ТУЗУМ ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН ИНСОН	18
Эшонov О. Толибов Ю. ДУНЁ ТАРИХИ БУЮК ШАХСЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ХОЛИДИР ҲАҚИҚАТ СИНМАЙДИ, ЭГИЛМАЙДИ ҲАМ	21
Жамолова Д.М., Qudratov Sh. Yo. АМИР ОЛИМХОН ВА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ	25
Ergashev J.Y. BUXORO XALQINING ASL FARZANDI	27
Қўдошев Р. Р. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ - ЭШПАРВАР ВА БАТАНПАРВАР ИНСОН	36
Хайитов У.Я. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ОЗОДЛИГИНИНГ БОШЛАНИШИ	39
ОЗОДЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	41
Abdullaev Yo. Z. XX SARNING YIRIK SIYOSIY ARBOVI	45
ФАЙЗУЛЛА ХО'ЖАЕВ	47
2-ШЎБА. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ БХСР ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИНИНГ БИРИНЧИ РАҲБАРИ	51
Ражабов К.К. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ	51
Хазретали Турсун, Вахдет Таракчы, ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ ПРИ ДИКТАТЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ И В СУДЬБЕ «НАЦИОНАЛ-КОММУНИСТОВ»	55

150

Гафоров Ш. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АГРАР СИЁСАТИ ВА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ	58
Бакиров Я.А. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ: ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР ВА ВАЗИФАЛАР	62
Ражабов Қ.К. ЎН ЕТТИЛАР ИШИ ЁХУД БХСР СОБИК РАҲБАРЛАРИНИНГ 1937 ЙИЛДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ	70
Хайитов Ж.Ш. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – БУХОРОДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ	82
Джанобилова М.К. ВЕЛИКИЙ МАСТЕР КОМПРОМИССОВ	84
Ниёзова Ш, Шарипова М. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ АТОҚЛИ ЖАМОАТ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ	88
Хайитов Л.А. FAYZULLA XO'JAYEVNING HARBIY MANORATI	90
Рашидов О.Р. БХСРДА КАДРЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШДА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ЎРНИ	93
3-ШЎБА. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ИЛМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ	97
Рахмонов К.Ж. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА БУХОРО МИЛЛИЙ МАТБУОТИ	97
Қурбонова М.Б. БУХОРО АМАЛДОРИГА ХОС ХОВЛИ – ҲАРАМ	99
Арипова Х.А., Ражабова Г.С. ФАЙЗУЛЛА ХОДЖАЕВ - ПУБЛИЦИСТ	101
Тешаев Н.Н. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ УСТОЗИ – АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ОИЛА АСАРИДА ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МАЪНАВИЯТИ	105
Сафарова Р.Г. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – МИЛЛАТ ЁШЛАРИ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИССА ҚўШГАН ФИДОЙИ ИНСОН	108
Собиров У.Б. ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА САФДОШЛАРИ ЭЗГУ ИШЛАР ТАШАББУСКОРИ	110
Жумаева Н.А. BUXORO MA'RIFATPARVARLARI	113